Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 17 август, сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 151 (21.502).

Ислом КАРИМОВ:

«ҚИРҒИЗИСТОНДА ЎЗБЕКЛАР, ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИРҒИЗЛАР БАХТЛИ ЯШАСИНЛАР!..»

14 АВГУСТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎШ ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ. БУ ЕРДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ 1994—2000 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИҚ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТНОМАНИ ИМЗОЛАДИЛАР.

х х х

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВНИНГ ЎШ ВИЛОЯТИГА САФАРИДА РЕСПУБЛИКА БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ И. ЖЎРАБЕКОВ, БОШ ВАЗИР УРИНБОСАРИ Т. МИРЕҚУБОВ ҲАМРОҲЛИК ҚИЛДИ.



Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш пайти.



Қурмонжон додҳо номли жамоа хўжалигига ташриф. А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Азалий-абадий она Еримизнинг бир бутунлигини кўрмоқчи бўлсангиз юксакликдан қаранг, кўкдан кўзатинг. Тоғлар силсиласи бир-бири билан туташиб ётибди, чўллар, даштлар, қир-адирларга елка ташлаган, қарсиллаган қоя ён бағирларидан бошланган булоқлар, ирмоқлар қаерлардадир «кўл беришиб» дарёларга айланган — шундай бўлса йўллари ойдин, умрлари узоқ бўлади!

Боқийлик манбаи — табиат. Табиатдан, борлиқдан ҳикмат туйганлар донишманддирлар, оқилдирлар, йўлбошчидирлар!

Ўтган шанба куни Ўш шаҳри нурга тўлди. Ўзбек йўлбошчиси билан қирғиз элбошисининг бир-бирига қучоқ очиши — тили тилига тўғри, дили дилига тўғри, дини динига тўғри, йўли йўлига тўғри икки халқнинг юрагини тошириб юборди. Ўшликлар кўчаларга кўчиб чиқишди, деб лоф қилаётган бўлсам, кўрганлар айтишсин. Болалар, ўсмирлар, ёшлар йўл бўйларида икки давлат рамзи — байроқчалар кўтариб уларни ҳаволарда силкитишиб шоду хуррамлигини изҳор этдилар, чоллар, момолар қўлларини ёйишиб дуо бирла олий мақсадларга тилакдошликларини билдирдилар, йўлларга нурлар сочдилар...

Мурод-мақсад нима эди? Бунинг ифодаси Ўш вилояти ҳокимлигининг улкан мажлислар залида қабул қилинган «1994—2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси иқтисодиётини интеграциялашни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида баёнотнома» (декларация)да ўз ифодасини топган.

— Бу декларация Ўзбекистонни ҳам, Қирғизистонни ҳам янги босқичга кўтаришига, тараққиётда, ўзаро алоқаларда, ҳамкорликда муҳим ўрин эгаллашига аминмиз, — дейишди Ислом Каримов билан Асқар Ақаевлар имзо чекиб бўлишгач, ҳар икки томон қатнашчиларига қарата. Қарсаклар, олқишлар янгради.

Ўзбекистон делегацияси орасида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳокимлари ҳам бор эди. Уларнинг бу ерда ҳозир бўлишлари бежиз эмасди. Ислом Адуғаниевич йиғилишда муҳим бир таклифни ўртага ташлади: Ўзбекистон томонидан шу уч вилояти ҳокими, Қирғизистон томонидан Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳокимлари ўзаро йиғилишиб яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга аҳдлашиб олишлари керак.

— Ўзбек халқи билан қирғиз халқи ўртасида бошқа бировнинг воситачилик қилиши шарт эмас, — деди Ислом Каримов қатъий, — билиб қўйинглар, кимки орамизга тушса... ораларини бузамиз, деганидирлар. Биз дўстона маслаҳатларни қабул қиламиз, аммо ўз фикримизга эгамиз.

Бу жиддий мулоҳазаларга чорловчи ўктам гаплар Президент Ақаевга ғоят мақбул бўлди. Беш вилоят вакилларининг сентябрь ойида Наманганда учрашиб олишлари ҳақидаги гаплар қизғин маъқулланди. Бугунги имзоланган ҳужжатни амалга ошириш бўйича эса иккала мамлакат бош вазирларининг биринчи ўринбосарлари раислигида ишчи гуруҳлари тузилади. Сентябрь ўрталарида ишчи гуруҳи йиғиладиган бўлди.

Юртбошимиз Ўш вилояти ҳокими Абдуғани Эркабоевни юксак лавозимга тайинланган муносабати билан табриклашни ҳам унутмади.

Маълумки, Президентимизнинг сиёсий фаолиятида тинчлик учун кураш, барқарорлик учун собит саъй-ҳаракат изчилдир. Одатда бу фазилат қўпинча ўз мамлакати, халқи доирасидан чиқиб, умумбашарийлик касб этган йўлбошчиларга хосдир. Улар нафақат ўз миллати, балки бутун дунё халқлари, элатларнинг тинч-тотув ҳаёт кечиришлари учун ўзларини масъул, дахлдор, деб биладилар.

Ислом Каримов матбуот конференциясида журналистларга берган жавобларида хоҳ катта, хоҳ ёш давлат бўлсин, улар ўртасида тинчликни сақлаш, халқлар орасидаги барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида-алоҳида урғу бериб таъкидлади. Бу бежиз эмас, албатта. Бундан уч йил олдин бўлиб ўтган Ўш фожиаларини унутиб бўладими, ахир?! Зеро, инсоният — умумбиродарлик қадриятлари билан ардоқлидир, тирикдир!

Кун пешинга оққанда мезбонлар ўзбек делегациясини Қорасув тумани Қурмонжон додхо номидаги колхоз далаларига таклиф қилишди. Президентимиз гуллаган ғўзаларни кўздан кечирди. Хўжалик раҳбарларини саволларга кўмди. Айни пайтда уларга дўстона маслаҳатлар берди. Хусусан, пахта ўрнини тамаки эгаллаётгани ҳақида ўз фикрини билдирди.

— Жаҳон бозорида пахтага ҳамиша ҳаридор топилади, — деди Ислом Каримов, — тамакига эса — аҳён-аҳёнда. Қолаверса, бу экинга кетадиган меҳнат пахтаникидан ортиқ бўлса ортиқки, лекин кам эмас. Агар пахтачиликда хусусан, техника, ўғит масаласида етишмовчилик бўлса, биз бажонидил ёрдам берамиз. Сизлар боринглар, водийдаги бизнинг уста пахтакорларимиз келсин, хуллас, борди-келдимиз узилмасин!

Президентимиз пахтани камайтириш осон, лекин унга бўлган меҳрни қайта тиклаш қийин, деди. Бевосита пахта пайкалида давом этган бу гурунг қишлоқ аҳли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги вазифаларга бориб тақалади. Голландия сафари эсга олинди, иқтисодий ислоҳотнинг бориши ва олти ойлик иш якунларини таҳлил қилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кенгашидаги гаплар ҳақида сўз юритилди. Бугунги раҳбарнинг вазифаси тонна, гектар, центнерга маҳлиё бўлиш эмас, балки одамлар баракали ишлашлари учун шарт-шароит яратиш, қўшимча иш ўринларини вужудга келтиришдан иборатлиги алоҳида уқтирилди. Бу фикрларга Асқар Ақаев ҳам тўла қўшилди.

Мен бундай катта учрашувда биринчи бор қатнашишим. Юрагимда неки ҳис-ҳаяжон кечган бўлса — айтмасам бўлмас. Ўшда Ислом Каримовдек юртбошимиз борлигидан фахрланиб, ғурурланиб кетганимни яширмайман. Чунки уни ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бошига кўтаргудек эъзозлаганининг гувоҳи бўлдим. Ўша куни бўлган бир воқеани сўзлаб берай.

Колхозчилар билан учрашиш учун икки Президент машинадан тушишди. Катта йўлнинг икки четида эл-улус ғиж-ғиж. Улар орасидан эллик ёшлар чамаси бир аёл қўлида конверт билан Президентлар томон юрди. Табиийки, тартиб сақловчилар аёлни тўхтатмоқчи бўлишди. Шунда ҳамроҳим, Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Шавкат Яҳёев: «Опахон, хатингизни ўзим Президентга бериб қўяман» деб хатжилдни олди. Елимланмаган конверт ичида Ислом Каримов номига ёзилган хат бор экан. Унда шундай сатрлар битилган:

«Ассалому алайкум Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов! Сиз икки ярим йил аввал Ўш шаҳрига келганингизда ўн тўртинчи неварам туғилди. Исмини Исломжон қўйгандик. Ҳозир у соғ ва дуркун ўсмоқда. Исломжонларнинг тинч ва осойишта ўсиши учун Сиз каби ғамхўр раҳбарлар ҳамиша омон бўлишсин. Ҳурмат билан Исломжоннинг бувиси Кларахон Носирова».

Хат орасида икки ярим яшар Исломжоннинг расми ҳам бор эди. Шу кичик бир ҳолатда халқнинг Президентимизга чексиз меҳри мужассам эди.

Президентимиз хайрлашув чоғида: «Қирғизистонда ўзбеклар, Ўзбекистонда қирғизлар бахтли яшасинлар!» — деди. Бу чинакам муқаддас шиор! Ҳа, бу шиор, бу калима Хон Тангри чўққисида садо беражак, Иссиқкўл қирғоқларида янграяжак, Чу водийси узра ёйилажак, «Манас» мисраларига қўшилажак, Чингиз Айтматов дафтарларига кириб боражак!

Ҳа, бу шиор, бу калима Фарғона қир-адирларида ўйноқлаб юрган болакай дилида жо бўлажак, Зарафшон дарёсининг шўх-шан сувларига қўшилиб куйланажак, Бухоро минораларининг шўълаларида акслanажак, Нурота тоғларида наво таратажак, Сурхон яйловларида, Қорақалпоқ даштларида қўшиққа айланажак, шоирларимиз шеърларида бўй кўрсатажак! Иншоолло!

Азим СУЮН.



Хат орасида икки ярим яшар Исломжоннинг расми ҳам бор эди.

1994—2000 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

БАЁНОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси давлат бошлиқлари,

— иккала давлат иқтисодиёти интеграциясини янада чуқурлаштириш зарурлигини эътироф этиб,

— икки халқ ўртасидаги тарихан шаклланган алоқалар, дўстона муносабатлар ва ўзаро ҳурмат анъаналарига таяниб,

— хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида ўзаро фойдали интеграция мақсадида келишиб олинган ҳаракатларни ва иқтисодий ҳамкорликни янада такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб,

— Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномага амал қилиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

I.

1994—2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси иқтисодиёти интеграциясини чуқурлаштириш пировард маҳсулот чиқарадиган халқ хўжалиги тармоқларини, илм-фанни татбиқ этишни талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришга, экспорт имкониятларини кўпайтириш мақсадида кооперациялашга, учинчи мамлакатлардан хом ашё ва маҳсулотлар келтиришни камайтиришга қаратилган ҳаёт учун муҳим ўзаро манфаатлар соҳаси ҳисобланади.

Қўшма интеграция дастурини ишлаб чиқиш учун иккала мамлакат ҳукуматлари қўшма корхоналар ташкил этиш, республикалар халқ хўжалигининг устувор тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ривожлантириш масалаларини қўриб чиқадиган ишчи гуруҳларини тузадилар.

Таклифларни тайёрлашда иккала давлатнинг хомашё, одам ресурслари ва ишлаб чиқариш потенциали негизида бу ишлаб чиқаришларни рационализациялаш билан Марказий Осиё мамлакатларининг муҳим маҳсулот турларига бўлган эҳтиёжларини мумкин қадар қондириш зарурлигидан келиб чиқилсин.

Ишчи гуруҳлари республикалар иқтисодиёти интеграциясининг 1994 — 2000 йилларга мўлжалланган қўшма дастури лойиҳасини томонларнинг ҳукуматларига 1993 йилнинг 1 декабригача қадар тақдим этсинлар.

II.

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси иқтисодиёти интеграциясини ва 1994 — 2000 йилларга мўлжалланган қўшма ҳаракатлар дастурини яратиш бўйича келишилган таклифларни ишлаб чиқиш учун томонлар миллий дастурлар ва концепцияларни айирбошлашни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик, деҳқончилик саноати комплекслари, қурилиш материаллари саноатини ва енгил саноат тармоқларини ривожлантириш, шунингдек Хитой Халқ Республикасига олиб чиқадиган транспорт инфраструктурасини ривожлантириш биргалашиб қилинадиган ҳаракатларнинг бош йўналишлари ҳисоблансин.

III.

Узоқ муддатли ва барқарорлик асосида ўзаро манфаатли ҳамда тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун шаклланган ўзаро манфаатли ва иқтисодий хўжалик алоқалари сақлаб қолинсин ва уларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда ривожлантирилиши таъминлансин.

IV.

Томонлар тегишли ҳудудий маъмуриятларнинг раҳбарларига ва вилоятларнинг ҳокимларига мавжуд жаҳон нархлари бўйича эркин алмаштириладиган валютада ёки клиринг асосида маҳсулот етказиб бериш юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бевосита хўжалик алоқалари ўрнатиш ва уларни кенгайтириш масалаларини тегишли вазирликлар, концернлар, уюшмалар ҳамда бошқа идоралар билан биргаликда ўзаро келишилган ва мутаносиб асосда ҳал этиш вазифасини топширишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом КАРИМОВ.

V.

Томонлар келишилган солиқ, бож ва нарх сиёсатини олиб боришга, шунингдек, махсус битим асосида монополиячи корхоналарнинг маҳсулоти нархларини бошқариб боришга, иқтисодий ахборотни кенг айирбошлашни йўлга қўйишга интиладилар.

VI.

Томонлардан ҳар бирининг давлат мулки бўлган объектларни бошқа томоннинг ҳудудида хусусийлаштирилишига мулк эгаси бўлган давлатнинг розилигисиз йўл қўйилмайди, деб эътироф этилади.

VII.

Тарихий шаклланган дўстона муносабатларга, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат анъаналарига таянган ҳолда, халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлигидан келиб чиқиб, томонлар иккала давлат ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга, ҳар бир томоннинг ваколатли органлари ишлаб чиққан тартибга мувофиқ, савдодан ташқари операциялар пул маблағларининг эркин ўтказилишини таъминлайдилар.

Декларация 1993 йил 14 августда Ўш шаҳрида икки асл нусхада ўзбек, қирғиз ва рус тилларида тузилди. Барча матнлар бир хил кучга эгадир.

Қирғизистон Республикасининг Президенти Асқар АҚАЕВ.

1994—2000 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ҲАҚИДАГИ БАЁНОТНОМАГА

ШАРҲ

Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг расмий делегацияси 14 август куни Ўш шаҳрида Президент Асқар Ақаев бошчилигидаги Қирғизистон Республикасининг расмий делегацияси билан учрашди.

Учрашув чоғида 1994—2000 йилларда икки давлат иқтисодиёти интеграциясини ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги баёнотнома имзоланди, дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга доир бошқа масалалар кўриб чиқилди. Баёнотномада кўзда тутилган йўналиш айниқса бозор муносабатларига ўтиш даврида иккала давлат иқтисодиёти учун ҳаётий муҳимдир.

Қора ва рангли металлар ишлаб чиқариш учун маъдан, шунингдек, нефть, газ каби минерал — хомашё ресурсларининг аниқланган заҳиралари, хилма-хил бинокорлик материаллари, моторлар, машинасозлик ва кабель маҳсулотлари тайёрлаш учун ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги, хилма-хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга имкон берадиган жуғрофий ва иқлим шароитларининг ўхшашлиги — буларнинг ҳаммаси иқтисодиётнинг барча соҳаларида қўшни давлатнинг кенг кўламда интеграция қилиши учун йўл очиб беради. Қозоғистон Республикаси билан худди шундай битимнинг имзоланиши бу баҳамжиҳат ҳаракатлар соҳасини кенгайтириб, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа МДҲ мамлакатлари иқтисодиётининг чинакам яқинлашуви учун замин яратади.

Бу мамлакатларда ишлаб чиқилган миллий дастурлар ва концепцияларни айирбошлаш, давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришга доир ҳаракатларни келишиб олиш ва амалга ошириш учун иш гуруҳларини тузиш бир-бирининг ишини кераксиз равишда такрорлашдан, бир хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан холи бўлишга, биринчи навбатда минтақадаги мамлакатлар аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш учун хомашё ресурсларидан ва одамларнинг кучидан, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва ақл-зиё салоҳиётидан мумкин қадар тўла самарадорлик билан фойдаланиш имконини беради. Бу мамлакатларнинг иқтисодиётини бир-бирига яқинлаштириш ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ўтиш даврида ва шундан кейинги даврларда ҳар бир мамлакатнинг халқ хўжалигини оғир юк бўлиб тушадиган қарамликдан, асоссиз равишда хомашёни четга чиқариш ҳамда бевосита шу жойнинг ўзида ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ ва фойдали бўлган тайёр маҳсулотларни четдан келтиришдан холи қилади, давлатларимизнинг четга маҳсулот чиқариш имкониятларини кўп ҳаражат қилмай оширишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг яқин келажакка мўлжалланган концепцияларда Кўкдумалоқ, Мингбулоқ нефть конлари, Учқулоч фосфорит конидаги заҳираларни кенг кўламда ўзлаштириш, «Мерседес» фирмаси билан ҳамкорликда автобус, «ДЕУ» фирмаси билан ҳамкорликда енгил ва кам литражли автомобиллар, бир марта ишлатиладиган шприцлар ҳамда минтақада зарур бўлган бошқа жуда кўп буюмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилган. Қўшни мамлакатларнинг худди шундай дастурларида рангли ва қора металлар, телевизорлар ишлаб чиқариш, Хитой Халқ Республикасига, Эрон ва Покистон Ислом республикаларига автомобиль ва темир йўл қуриш ва кейинчалик Форс кўрфазига чиқиш назарда тутилган.

Ана шу дастурларга биргаликда сармоя сарфлаш, илмий ва техникавий янгиликларни айирбош қилиш, ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, солиқ, бож, нарх сиёсати юзасидан келишиб ҳаракат қилиш шу мамлакатлар халқ хўжалигини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайди. Мисол учун, фақат битта масаланинг ҳал этилиши, яъни, Ўзбекистон Республикаси четдан сотиб оладиган донни Қозоғистон 1994 йил ҳосилидан таъминлаши 500 миллион доллардан ортиқ хорижий валютанинг минтақада қолишига имкон беради.

Ўш шаҳрида делегациялар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг қўшни вилоятлари алоқалари тўғрисидаги битимга эришилди. Шу мақсадда Андижон, Наманган, Фарғона, Ўш ва Жалолобод вилоятларининг раҳбарлари 7—10 сентябрь кунлари Наманган шаҳрида учрашиб, дўстлик, ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама ҳужжатларни ҳамда ҳаётий муҳим масалаларга доир бошқа ҳужжатларни имзолайдилар.

• *Уқувли ёшлар—эртанги рўзғорбошилар*

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига, яъни бу нарса уларнинг собит қадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини таъкидлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

ПУЛ САНАШНИ БИЛИШНИНГ ЎЗИ ЕТУКЛИКМИ?

ЁКИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҲАЁТГА ЛАЁҚАТЛИ ҚИЛИБ ТАЙЁРЛАШ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Инсон баркамоллиги унинг маънавий дунёсининг қандайлиги билан белгиланади. Яхши тарбия ва илм кишининг қимматбаҳо бойлигидир.

Айрим ҳолларда мактабни ташлаб, тирикчилик мақсадида пул топиш йўлига кириб кетаётган болаларга шахсан ота-оналарнинг ўзлари ҳомийлик қилмоқдалар. Албатта, болага ёшликдан ҳунар ва пул топиш йўлларини ўргатган маъқул. Бироқ 13—14 ёшли бола қандайдир бошланғич тафаккур ва хат-саводга, кенг дунёқарашга ҳам эга бўлиши керак-ку, ахир?! Биз эса бу билан бола фақат мактабга қатнасин, деган ақидадан йироқмиз. Лекин айни шу ёшда ҳам илм, ҳам ишбилармонлик, тижоратга интилиш, ёнма-ён олиб борилса тўғри бўларди.

Биз бу ерда ёшларни айблаётганимиз йўқ. Гап бошқа ёқда. Ўзимиз уларга тўлақонли иқтисодий таълим бермаяпмиз. Амалдаги мактаб дастурида ҳам Ўзбекистонимизга хос иқтисодий мисоллар йўқ ҳисоби. Сир эмас, фоиз (процент) чиқаришга доир оддий ҳаётий мисолларни ечишда фақат болалар эмас, балки катта ёшлилар ҳам қийналяпмиз. Амалдаги мактаб дастурида ҳам Ўзбекистонимизга хос иқтисодий мисоллар йўқ ҳисоби. Сир эмас, фоиз (процент) чиқаришга доир оддий ҳаётий мисолларни ечишда фақат болалар эмас, балки катта ёшлилар ҳам қийналмоқдалар. Назаримизда, ўрта мактабларнинг IV—V синфларида илк иқтисодий тушунчалар асосида ҳаётий мисоллар, содда амаллар билан болага дастлабки иқтисодий тушунчалар беришни йўлга қўйиш даркор. Бунда фоиз, диаграмма, таққослаш, ўсиш, фойда, қарз, жадвал ва шунга ўхшаш кўплаб тушунчаларни расмлар орқали изоҳлаш қулайлик туғдиради.

Ҳа, болани жуда ёшлик чоғиданоқ иқтисоднинг энг оддий тушунчалари билан таништириб бориш давр талаби бўлиб қолди. Яқинда америкалик бир фермер ўқувчининг фаолиятини ойнаи жаҳонда кўрсатишди. У кун бўйи катта хўжаликни бошқариб, кечқурун ўқиб экан. Бу ёш фермернинг дунёқараши шунчалик кенгки, одамнинг ҳаваси келади. Ёш ватандошларнинг халқаро Тошкент учрашувига ташриф буюрган корчалон йигитларда ҳам юксак маданият ва билимдонлик шундоқ сезилиб турди. Тўғрисини айтиш керак, бизда эса оддий билимсизлик турли ҳуқуқий бузилишлар, нотўғри ёндашишларга олиб келмоқда.

Эндиликда ялпи иқтисодий сиёсат туфайли элимизда ҳам сармоядорлар, хусусий корхона эгалари пайдо бўладилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ маҳаллаларда, турар жойларда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида майда, хусусий корхоналар вужудга келди. Хўш, бундай шароитда — ўрта мактабда берилаётган фан асослари етарлими? — деган ҳақли савол туғилади. Айрим ота-оналар, қолаверса, болалар орасида ҳам шундай гаплар юради: «Пул санашни билсам бўлди-да, ўқиб нима қиламан?».

Хўш, сармояни кўпайтириш учун санашни билиш кифоя қиладими? Ахир, сармоя катталашган сари иқтисодий қонун-қоидаларни билиш шарт бўлиб қолади. Уни ўринли сарфлаш, банк муносабатлари, шартнома асосида хизматчи-ишчиларни ёллаш, ишлаб чиқариш ва савдо шохобчаларини кенгайтириш, истеъмолчилар билан муомала қилиш каби юмушларни фақат пул санаш билан бажариш мумкин эмас. Бунақада сармоялар тезда инқирозга юз тутиши аниқ. Ҳозир озми-кўпми сармояга, бирор хусусий мулкка эга бўлганлар ҳам ана шу оддий тушунчаларга эҳтиёж сезмоқдалар. Бу гапларнинг асосида умуминсоний билимлар ётади. Қолаверса, чет элга чиқиш учун ҳам маълум билимларни эгаллаш керак.

Яна бир ҳақиқатни очиқ тан олайлик. Нега чет элдан келаётган тижоратчиларнинг иқтисодий билим савияси биздагилардан кескин фарқ қилади? Улардаги тўлақонли иқтисодий билим, вазминлик, кўп тилни билиш каби хусусиятлар кишининг ҳавасини келтиради. Ўша касбдошларда катта бойликларни ўринли сарфлаш қобилияти сезилиб туради. Бой бўлган сари тежамкорликка зўр беришади. Бунинг сабаби битта: юксак иқтисодий савия, тафаккур, ақл-фаросат, ватан йўлида чексиз меҳнат ва муҳаббат.

Узоққа бормайлик, оддий олди-соттида, шартномалар тузилишида иқтисодий билимларимиз етишмаслиги оқибатида Ватанимиз миллионлаб сўм зиён кўрмоқда. Йирик мутахассислар ҳам оддий қонуниятларни билмаяптилар. Тадбиркор йигит-қизларимиз кўп ҳолларда таваккал қилмоқдаларки, бизнинг бу камчиликларимиздан хорижлик ишбилармонлар устомонлик билан фойдаланишлари мумкин. Биз фақат тижорат учун иқтисодий билим керак, демоқчи эмасмиз. Билъакс, Президентимизнинг фармонлари, ҳукуматимизнинг кундалик тадбирлари мағзини чақиш учун ҳам кишида иқтисодий савод бўлиши зарур. Давлат сармояси, дотация, солиқ, нарх-навонинг қандай пайдо бўлиши услубини билмаган киши қандай мулоҳаза-фикр қилсин?

Аслида биз ҳам бундай фазилатлардан бегона эмас эдик. Бироқ мулкчиликнинг қарийб 75 йил ҳукм сурган шакли ўз-ўзидан одамларни бефарқ қилиб қўйди. Ваҳоланки, бу ноёб тушунчалар қон билан кириб жон билан чиқиши керак. Шарқона тарбияда фарзандинг ҳар томонлама баркамол бўлиши, жумладан савдо-сотиқда ҳам билимдон, ҳисобдон бўлиши лозимлиги «Қобуснома»да шундай баён қилинади: «Савдо жадалида ишни ўзгаларнинг қўлига бермағил, ўзингнинг ...зиёнларингни ҳамиша ўзинг ҳисоб қилғил... Кишига хиёнат қилмоқдан қочғилким, ҳар ким бирор кишига хиёнат қилса, ўзига хиёнат қилғанидир». Ушбу ҳикматда ҳақиқий шарқона пурмаъно турмуш тарзида муттасил мутолаа қилишни ўз фарзандига асосий вазифа қилиб қўяди.

Дарҳақиқат, биз шу кунда юксак маданиятли, билимли, зукко, тадбиркор ўқувчи-ёшларни тарбиялашимиз керак. Дабдурустдан ҳар кимга ҳам савдогар, ишбилармон деган юксак мақомни бериш мумкин эмас. Бу касблар Шарқда юксак эъзозланган. Бу ишга киришаётган ҳозирги ёшларимиз шу масъулиятни чуқур ҳис қилмоқлари лозим. Биз хоҳлаймизми-йўқми, барибир гоҳ олувчи, гоҳ сотувчи бўламиз. Бозор-ўчарга аралашиш— қадимий шарқона удумимиз. Қолаверса, Шарқда бозор осойишталик рамзидир.

Демак, масаланинг маърифий томонларини ҳал этиш вазифаси таълим олдида кўндаланг бўлиб турибди. Бунинг учун ҳар бир йигит-қиз ва ўқувчи учун савдо илми, тажрибасини ўрганиш ҳаётий эҳтиёжга айланиши зарур. Шунда ҳеч ким мактабни ўз-ўзидан тарк этмайди.

Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтаётган республикамизда, эҳтимол, бундай иқтисодий билимларни ўрта мактабларда ўқув предметлари қаторига киритиш жоиздир. Ҳар ҳолда биз «Бошланғич иқтисод асослари» ёки «Тижорат асослари» дарсини назарий ва амалий фан сифатида мактабларда 8—9-синфларда ўқитилиши тарафдоримиз. Чет эл мактабларида, хусусан АҚШда бундай тушунчалар мактабларга аллақачон киритилган. Ишончимиз комилки, янгиланиш сари юз тутаётган халқ таълими фидойилари бу масалани тезлик билан жамоатчилик олдига қўяди.

Бунинг учун қуруқ иқтисодий назариялар эмас, балки иқтисодий тафаккурни юзага келтиришда кибернетика, бошқариш, бухгалтерлик ҳисобига ўхшаш тушунчалари мактабларда ўқитилиши лозим. Уларни қўллаш учун энг замонавий компьютерлар имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шундай дастурлар борки, унда бир йўла иқтисодий тушунчалар ҳамда инглиз тиллари ўргатилади. Бу дастурда майда корхоналарни бошқариш, иқтисодий ўйинларни уюштириш, фойда ва зиён каби тушунчалар компьютер орқали ўқитилади.

Ҳозирги вақтда иқтисод асослари ва хорижий тиллар чуқур ўқитилаётган мактаблар йўқ эмас. Жумладан, ушбу мақола муаллифлари шахсий ташаббуси билан Тошкентнинг Мирзакалон Исмоилий номидаги 138-ўрта мактабида тажриба тариқасида элементлар иқтисодий тушунчаларни ўрганиш синалди. Болаларга бир йўла инглиз ва турк тиллари ўргатилди. Очиғи, тажриба биз кутгандан зиёда бўлди. Дарслар чоғида Ўзбекистонимиз имкониятлари, бойлиги ҳақида гапирилганда ёшларимизда чинакамга миллий ғурур ҳосил бўлганини ҳис қилдик. Биз миллий мафкуранинг бир бўлаги ялписига иқтисодий таълим бериш ҳам, деган хулосага келдик. Токи, ҳар бир йигит-қиз ўзи яшаб турган жамиятнинг ҳуқуқий меъёрларини билсин. Иқтисодий, ҳуқуқий, компьютерли таълим ёнма-ён бўлгандагина ҳар томонлама етук, замонавий киши ўрта маълумот олади.

Мамлакат иқтисодчилари, маорифчилари келажак режаларини тузиб, инқироздан чиқиш йўлларини ўйлаётган бир пайтда қатор амалий таклифларимиз бор. Биринчидан, ялпи компьютерли саводга ўхшаш ялпи иқтисодий саводхонлик тизимини ишлаб чиқиш лозим. Бунда савдо ва ишбилармонликнинг асл моҳияти, ҳуқуқий томонлари мактаб ва бошқа ўқув юртларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Иқтисодий таълимнинг муҳим тушунчалари дарсликларда, матбуот, ойнаи жаҳонда махсус ўқув дастурлари сифатида ўргатилиши жоиз. Иккинчидан, майда хусусий корхоналарнинг кенг истеъмол моллари, туркона озиқ-овқат тайёрлашига катта имкониятлар яратиб берилиши лозим. Ана шундай фаолият билан шуғулланувчилар бепул, ишбилармонликни ўргатувчи қисқа курсларга жалб этилиши, уларга энг замонавий, зарурий билимларни ўргатиш зарур. Бизнингча, мактаб бундай юмушларни ўз зиммасига олиши учун қулай шарт-шароитга эга. Учинчидан, халқдан чиққан энг абжир, илмли корчалонларни давлат йўли билан ҳимоялаш, умуман ташқи давлатлар билан алоқа ўрнатишга ҳар томонлама ёрдам беришни кафолатлаш ҳам мумкиндир. Мактабда ана шундай «қўл-оёқли» — уддабурон болаларни алоҳида ҳисобга олиб қўйиш керак.

Хуллас, ялписига иқтисодий таълим керакми? — деган саволга ижобий жавоб берадиган вақт келди. Таълимнинг ҳар бир бўғинига бу тушунчалар бугуноқ киритилмаса, эртага кеч бўлади. Солиқ, божхона, пул, инфляция, сармоя, банк каби юзлаб атамаларнинг моҳиятини ҳамма билиши керак. Хатто оилавий иқтисодда ҳам бугунги кунга мослашишда ота-оналар тарбиянинг бу бўғинига эътибор бериши шарт деб ўйлаймиз.

Йигит ва қиз ёшлик чоғиданоқ рўзғорбоши бўлишни ўрганиши керак. Акс ҳолда эски тушунчалар асосида оилаларнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиши мумкин. Бу билан оилалар бузилиши, қўйди-чиқидилар кўпайиши олдини олган бўламиз. Ҳар бир оила иқтисодий бақувват бўлиши учун бирор нарса яратиши, қайта ишлаши ёки бебаҳо мутахассис бўлиши замон талабидир. Илгари болаларимизга шунчаки хорижий тилларни умумий дунёқараш ёки олим бўлиш учун ўргатган бўлсак, бугунги кунга келиб кўп тилни билиш бевосита тижорат ва турмуш тарзи эҳтиёжи бўлиб қолмоқда. Умуман, ёш давлатимиз бақувват бўлсин десак, оилалар бақувват иқтисодга эга бўлиши керак. Одамлар бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади.

Президентимизнинг ҳар бир чиқишларида миллий мафкурани яратиш энг долзарб масала эканлиги таъкидланмоқда. Бу дегани — сиёсатни иқтисоддан устун қўйиш, деган гап эмас. Аксинча ақлли, тадбиркор одамларгина пулдор, ишбилармон бўладилар. Кучли Ватан туйғуси, ўткир зеҳн, ҳур фикрли ёшларгина юртимизга устун бўла оладилар.

Абдусаттор ҚОРАБОЕВ,
Самуғжон ҲИКМАТОВ,
иқтисод фанлари номзодлари.
Баҳтиёр КАРИМОВ,
олий тоифали муаллим.

ТАҲРИРИЯТДАН. Ушбу мақолада ёш авлод, эртанги мутахассисларимиз, рўзғорбошиларимиз фаолиятига доир муҳим масала кўтарилган деб ҳисоблаймиз. Муҳтарам мушторийларни, мутахассисларни, ота-оналарни, мақолада кўтарилган муаммолар бефарқ қолдирмайди, улар ўз мулоҳазаларини таҳририятга ёзиб юборадилар, деб умид қиламиз.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА

АРМОНИМИЗ УШАЛМОҚДА

Истиқлол бошқа ташкилотлар қатори бизнинг ҳўжаликка ҳам «юқори»дан кўрсатма кутмасдан, жиддий масалаларни, муаммоларни ўзимиз ҳал этиш имконини берди.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман: ҳозир ҳам эски қолипда ишловчи, халқнинг нонини туя қилувчи идоралар оз бўлсада бор. Тайёрлов идоралари шулар жумласига киради. Бу менинг фикрим, албатта. Бу гапни айтишимнинг боиси бор. Чорва маҳсулотлари, ҳусусан, тери ва жуннинг харид нархи ошиб, эркин нарх белгиланган бўлсада, афсуски, бу ташкилотда ишловчи «аканлар» ҳали ҳам ўз фойдалари ҳисобига эски нархда маҳсулот қабул қилиб олаётганлигига нима дейсиз? Масалан, мол терисига 180—200 сўмдан, қўй терисига 50 сўмдан пул беришаяпти. Очиғи бундай адолатсизликка тоқат қила олмадим. Яқинда ўзимиз мустақил иш тутиб, хўжалигимиз терисини Тошкент ва Фарғона терини қайта ишлаш заводларига олиб бориб топширдик. Улар ҳар дона қўй терисига 965 сўмдан, қорамол терисига 2,5 минг сўмдан ҳақ тўлашди. Териларнинг ўзидан хўжаликка 4,5 миллион сўм даромад келди.

Партия, касаба уюшмаси ташкилотлари билан келишиб, одамларни ижтимоий ҳимоялашга асосий эътиборни қаратаяпмиз. Ҳар бир оилага 500 килограммдан буғдой, чорва молларига етарлича емхашак бераяпмиз. Шунингдек, ойига икки-уч марта арзонлаштирилган нархда ҳар бир ишловчига 2—3 килограммдан гўшт берилаяпти. 10 га яқин меҳнат фаҳрийси ва ногиронларига 150 килограммдан ғалла бепул тарқатилди.

Давлат хўжалигининг даромади умуман ёмон эмас. Ишни саноат негизига кўчирганлигимиз қўл келмоқда. Ўзимиз боқиб семиртирган молни ўзимиз сўйиб давлатга топшираяпмиз. Гўшт комбинатимиз ишлаб турибди. Шу ҳисобдан ўтган олти ойда 29 миллион сўм даромад олдиқ. Даромадга қараб буромад деганларидек, топганимизни ишчиларимизга бераяпмиз. Чўпонларимизнинг ойлик маоши 65—70 минг сўмга етди.

Ишчиларимиз иқтисодиётдаги бугунги ўзгаришлардан, юртбошимиз И. Каримов амалга ошираётган оқилона сиёсатдан ғоят мамнунлар. Айниқса, давлат ва жамоа хўжаликларига кенг ҳуқуқ берилганлиги айни муддао. Ахир бу армонларимиз ушалаётганлиги, орзуларимиз рўёбга чиқаётганлигидан далолат эмасми.

Аҳмад ТЕМИРОВ,
Қарши районидаги «Манғит» давлат хўжалигининг директори.

янгиликлар Воқеалар Хабарлар

„Биз ким, мулки Турон...“

ҚИРҒИЗИСТОН ВАЗИРИ ҲИНДИСТОНДА

БИШКЕК. Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Э. Қорабоев Деҳлида бўлди.

Уч кунлик расмий сафар дастурида Ҳиндистон бош вазири, ташқи ишлар вазири, ишбилармонлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Шунингдек, ҳар икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўзаро ҳамкорлиги, авиаалоқалар ва сайёҳликни кенгайтириш юзасидан ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

ТУҒИЛИШ КАМАЙМОҚДА

БИШКЕК. Қирғизистонда кейинги беш йил мобайнида туғилиш олти фоиз камайди.

Ана шу пайт ичида никоҳларнинг сони бир фоиздан ортиброқ нисқарди. Ажралиш ҳоллари юз бермоқда. Уларнинг учдан бир қисми ёшларга тўғри келади.

УНИВЕРСИТЕТ КЎПАЙГАН

БИШКЕК. Қирғизистонда университетлар сони кўпайиб бормоқда.

Ҳозирда бу мамлакат аҳоли жон бошига ҳисоблаганда университетлар кўплиги жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда туради.

ПЕРМЛИКЛАР МАДАДКОР

⊙ **ДУШАНБЕ. Москва чегара отряди ва Тожикистондаги дивизияда хизмат вазифасини ўтаётган юздан зиёд Пермликлар қўмондонлик номига рапорт юбордилар.**

Хатда уларни 10, 11 ва 12-чегара заставасига ўтказишлари илтимос қилинган. Бу йигитларнинг заҳирага бўшатилгунга қадар икки ойдан зиёд вақт қолган. Улар ҳалоқ бўлган ўртоқларининг ўрнини тўлдириш ниятидалар.

ЗАҲАРЛИ ГИЁҲ ЯКСОН ЭТИЛМОҚДА

⊙ **ХЎЖАНД. Ленинобод вилоятининг Панжакент туманида гиёҳванд ўсимликлар экилган жойларда бундай ҳаракатга қарши кураш давом этмоқда. Милиция ходимлари кейинги икки ой мобайнида дўрмон гиёҳи экилган 85 гектардан зиёд майдондаги экинни йўқ қилдилар.**

Тожикистон Республикаси ички ишлар вазири Ёқуб Салимовнинг айтишича, бу диёрда гиёҳвандликнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун бутун куч-ғайрат сарфланади. Кейинги пайтларда 341 килограмм қорадори, 290 килограмм марихуана, беш тоннага яқин кўкнори пояси тортиб олинган. «Мак—93» операциясининг қатнашчилари Афғонистондан гиёҳвандлик дориларининг олиб келиниши ҳоллари юз бераётганлигидан айниқса хавотирланмоқдалар.

ПОЛЬША ЯҚИН БЎЛАДИ

⊙ **АЛМАТИ. Қарағанда мактабларининг тўққиз битирувчиси Польша олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди. Улар иқтисодий йўналишдаги университетда, табобат, политехника институтлари ва денгизчилик мактабида ўқишади.**

Қарағанда шаҳрида ишлаб турган Польшанинг «Полония» жамияти ташаббуси туфайли бундай имконият яратилди. Унинг ёрдамида ўн тўққиз қарағандалик Болтиқ денгизи қирғоғидаги Слупен шаҳрида дам олди. Ўттиз саккиз нафар польяк миллатли бола Варшава яқинидаги болалар оромгоҳида дам оляпти. Бундан ташқари 30 нафар катта ёшли бола уч ой мобайнида қишлоқ жойларида дам олади ва меҳнат қилади.

ГРУЗИЯГА ГАЗ УЗАТИЛМАЙДИ

⊙ **АШГАБАТ. Бу ерда маълум бўлишича, Грузия Туркманистондан газ учун қарздор экан. Икки томонлама олиб борилаётган музокараларда бу қарз 66 миллион доллар ҳисобланмоқда.**

Бундай пулни тўлаш учун ҳозирча Грузияда имконият йўқ. Шунинг учун истеъмолчи томони бу қарзни қоплаш учун Туркманистонда бир қатор қурилиш ишларини бажариб беришга ваъда бермоқда. Лекин бундай таклиф Туркманистонни қаноатлантирмаётир. Акс ҳолда Грузияга газ узатилиши тўхтатиб қўйилиши ҳақида огоҳлантирилди.

ҚОЗОҒИСТОН НАТОГА КИРАДИМИ?

⊙ **АЛМАТИ. НАТО экспертлар гуруҳининг аъзолари бу ерда кўчма сессия ўтказди. Шимолий Атлантика блокининг экспертлари Қозоғистон жамоатчилиги вакилларига НАТОнинг тутган ўрни ва вазифалари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.**

Уларнинг сўзига қараганда, бу блок коллектив хавфсизликнинг воситаси ҳисобланади. Экспертлар гуруҳининг республика ташқи ишлар вазири ўринбосари билан бўлган учрашувида Қозоғистон ва НАТО ўртасида ҳамкорлик қилиниши мумкин бўлган масалалар муҳокама қилинди. Экспертлар Алматига келгунга қадар Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда бўлган эдилар.

ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР СИМЛАРИ

⊙ **АШГАБАТ. Туркманистон «Қувват» давлат энергетика ва технология корпорациясининг жанубий йўналишдаги ҳамкорлиги яқинда яна бир халқаро электр симлари билан мустаҳкамланди. Шундай қилиб, Афғонистон ислом давлати билан бу борада шартнома тузилди.**

Бундан бир ой муқаддам 135 километрли масофада ЛЭП — 220 қурилишига доир шартномани имзолаган Ҳирот вилоятидан кейин Афғонистоннинг шимолий вилояти энергетиклари ҳам ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар. Керки чегара шаҳридан энергия узатиш учун 35 ва 110 киловольтли иккита линия ўтказилади. Шартномага кўра барча ишларнинг қиммати 18 миллион доллар ҳисобланади.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар Воқеалар Хабарлар

• *1993 йил—Аҳмад Яссавий йили*

РУҲЛАР ҚАЙТГАН КУН

Соат роппа-роса ўнда Занғиота тарихий ёдгорлиги мажмуи бош дарбозаси ёнида соҳибқирон... Амир Темур хос мулозимлари билан пайдо бўлди. Ў ҳайрат ва ҳаяжондан бир дақиқа сукутга тушган юзлаб фуқароларга чуқур таъзим қилиб, салкам олти аср бурун ўзи қурдирган мақбара томон юрди. Қатъий ирода, вазминлик ва ғурур, салобат ва донолик акс этиб турган қиёфасида айни пайтда ажабланиш ва фахр ҳисси яшириганини сезиш мумкин эди.

Амир соҳибқирон фарахбахш ўйлар оғушида халқ орасида Занги бува номи билан машҳур бўлган ул зотнинг мақбара-ҳовлисида бир зум тин олмоқни ихтиёр этади.

— Мен ушбу қадамжода йигирма йил электрчи бўлиб хизмат қилганман,— дейди меҳнат фахрийси Розиқ ота Мавлонов.— 90 йилча аввал «Оловли йўллар» киносида кўрсатилган манави мезанани қуришган, кейин ҳонақоҳлар... Мадрасада ўз замонасининг таниқли мударрислари дарс беришган. Ўрушдан кейин мана шу ҳовлида кўзи ожизлар арқон тўқишган, табаррук хоналар ётоқхонага айлантирилган. Маълум вақтдан кейин область атеистлар жамияти маркази вазифасини ўтаган. Ўнг томонда атеизм музейи бўлган. Мустақилликка эришдигу аллома аждодларимиз чирқиллаган руҳлари таскин топти. Бугун ҳам улар биз билан бирга...

Саркардалик либосидаги жаҳонгир 70 йилдан зиёдроқ вақт халққа очилмаган эшикдан кириб, мақбара пойига тиз чўкди. Эҳтимол, у ана шу тобда ҳотамтойлиги, серҳиммат-лиги билан донг таратиб, Ҳиммат-ий номига мушарраф бўлган, Яссавий тариқатининг йирик намоёндаси, улуғ каромати ва илму-маърифати билан халқ орасида машҳур — Занғиота руҳи билан дардлашаётгандир.

Қуръон тиловатидан сўнг Буюк ҳукмдор вазмин одимлар билан Занғиота ёдгорлиги мажмуининг фавворалар отилиб турган ҳовуз ёнидаги ўзи учун ажратилган саҳнга келади.

РЕПОРТАЖ

— Мен аждодларимиз орзуси — Истиқлолга эришган она юртим ва халқимни эркин кўраётганимдан мамнунман, — деди у. — Маънавиятини, бебаҳо меросини тиритираётган халқнинг ҳам, давлатнинг ҳам келажаги буюк бўлажак.

Мажмуининг асосий майдонида халқ сайли давом этарди. Дорбозлар, хонандаю созандалар, ҳаваскору ҳофизлар бирин-кетин энг сархил номерларини намойиш қилишарди. Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг икки йиллиги ва Хожа Аҳмад Яссавий таваллудининг 900 йиллиги олдидан ўтказилаётган халқ сайлини бошқараётган Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов навбатни маъруза учун Тошкент вилояти ҳокими Сайфулла Сайдалиевга беради.

— Жаҳонгир Амур Темур Занғиотага тошдан ҳайкал қурган бўлса, биз — XX аср авлоди унга маънавиятдан ҳайкал тиклаймиз, — деди у.

Занғиота Ҳимматийнинг яшаган даври, Марказий Осиё халқлари маънавий маданиятида тутган мавқеи ҳақида филология фанлари доктори Ориф Усмонов, фан номзодлари — Омонулла Бўриев, Султонмурод Олимовлар маърузалари тингланган, микрофонда тарихий ёдгорлик мажмуини таъмирлаш, ободонлаштиришга ҳисса қўшиш истагини билдирган ҳимматлилар рўйхати ўқила бошланди. Жумладан, Занғиота туманидаги «Ўзбекистон» парранда-чилик фабрикаси 1 миллион 200 минг сўм, Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги 1 миллион сўм ва бошқа хўжалик, ташкилот, корхоналар, партия кенгашлари баҳоли-қудрат хайрия фондига ўз улушларини қўшдилар. Вилоят ҳокимлиги эса бу фондга 10 миллион сўм ажратди.


Шунда микрофондан араб амирликларига қарашли Дубай шаҳридан диний вазир Шайх Иброҳим бошчилигида меҳмонлар ташриф буюргани эълон қилинди. Улар ҳам энг эзгу ниятларини изҳор этишди.


Хуллас Занғиота куни ҳар томонлама пухта ташкил қилингани, маънавиятимизни янада бойитгани билан ҳам ибратлидир. Зотан, сайлда бошқош бўлган вилоят партия кенгаши котиблари — Ўктамжон Турғунов, Шуҳрат Муҳаммаджонов ва туман партия кенгашининг биринчи котиби Тўлқин Файзиевнинг фикрлари ҳам шундай.

Биз қайтаётганимизда буюк жаҳонгир ролини меъёрига етказиб ўйнаган Ўзбекистон Халқ артисти Теша Мўминовни олқишлашарди.

Абдунаби МАННОПОВ.

Сайлдаги ушбу лавҳаларни Абдувоҳид ТЎРАЕВ суратга туширган.









Чсака районидаги бройлер ишлаб чиқариш ижара жамоа хўжаликлари бирлашмаси парранда гўшти ва тухум етиштириш жиҳатидан республикадаги энг катта тармоқ корхоналаридан бири ҳисобланади.

Йилнинг ўтган олти ойи мобайнида бирлашмада режадаги 822 тонна ўрнига 962 тонна парҳез гўшти етиштирилди. Тухум етиштириш режаси эса 1 миллион 820 минг дона ўрнига 1 миллион 960 минг донага етказиб бажарилди.

Суратларда: бирлашманинг Ниёзботир наслли паррандачилик ижара жамоа хўжалигининг сараловчиси Саодатхон Қорабоева, бирлашма бош зоотехниги Ғаниижон ва цех бошлиғи Акбаржон Баҳрамовлар.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.



• ЛУҚМА

«КИМГА АЙТАЙ ДАРДИМНИ?!»

«Ғурликка кўнган, хўрликка кўнмас» деган нақл бор. Дарҳақиқат, шундай экан. Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида неча бор ўлиб-тирилдим, не-не азобуқубатларни чекдим. Аммо кейинги 19 йиллик чекаётган азобларим, аниқроғи, хўрликлар олдида булар ҳолвадек экан...

Аслида воқеа шундай бўлган эди. 1972 йили Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидан участка қуриш учун ер олдик. Дов-дарахт экиб боғ қилдик, бир амаллаб етти хонали уй ҳам қуриб олдик. 1974 йили эса ўғлим Давронбек ҳарбий хизматга чақирилди. У хизматдалик пайтида бир куни уйимизга фуқаро Зулфия Содиқова болалари билан кириб келди. «Уйингизни ижарага берсангиз, болаларим билан кўчада қолдим» дея ёлворди. Ўзбекчилик, кўнгил бўш эмасми, бекор тургандан кўра, одам яшагани маъқул, бировнинг ҳожатини чиқарганга не етсин, деб у кишига бир хонани ижарага бердик. Буни қарангки, гул деганимиз тикон бўлиб чиқди. Зулфия Содиқова бизнинг соддалигимиздан фойдаланиб, уй ҳужжатларини қалбакилаштириб, ўзини ва болаларини пропискага ўтказиб олибди. Ахир, бу қандай бедодлик? Бу қандай фирибгарлик? У уйни ўн бир минг сўмга менга сотган деб даъво ҳам қилди. Аслида эса мен ундан бир тийин ҳам олмаганман.

Мана қарийб, 19 йилдирки, бормаган эшигим қолмади. 19 йилдирки, сарсон-саргардонман, чеккан кўрган азобларим мени қаритди, мункиллаб қолдим. Ҳатто биз даъво қилган пулини ҳам бердик, аммо у бунга кўнмади. Мирзо Улуғбек туман халқ судига ва прокуратурасига бир неча марта мурожаат этдим. Аммо қонун негадир менинг ҳақ-ҳуқуқимни четлаб ўтиб, Зулфия Содиқова томонга оғиб кетаверди. Кейин билсам, қонунни Зулфия Содиқова томонга ағдараётган республика Олий судида ишлаётган унинг қизи — М. Ҳўжаева ва республика Прокуратурасидаги куёви К. Ғанибоев экан, Нима замон зўрникими? Қани бу ерда одил ҳақиқат? Энди мен додимни кимга айтай?

Матёқуб САЪДУЛЛАЕВ, II гуруҳ уруш ногирони, меҳнат фахрийси. Мирзо Улуғбек туман, Аҳмад Югнакий даҳаси, 46-уй, 46-хонадон.

• МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН САОДАТ

Андижон вилоятида тўрт ишбилармон довруғ таратди: Рустамжон Усмонов, Тоҳиржон Қобулов, Зокиржон Иброҳимов, Абдуғаффор Аҳмадалиев. Улар давлатга миллион-миллион фойда келтириб, эл оғзига тушиб қолдилар. Қуйида тўрт дарғанинг бири, Ўзбекистон халқ нойби, ХДП аъзоси Тоҳиржон Қобуловнинг саховатли иши билан таништирамиз.

Илгари юқоридан нажот кутиларди, нима беришса ўша нарса аҳолига тақсимланарди. Асрий мутеликдан қутилиб, Ватанимизга эга бўлдик. Бу Ватан ота-боболаримиз маскани. Унинг садоқатли, фидойи ўғлони бўлиш эса ҳақиқий шарафдир. Юртимизда мустақиллик байроғи кўтарилган куни Тоҳиржоннинг дилидан ана шулар ўтди. Унда миллий ҳис, миллий туйғу кучайди. Мен мустақил Ватаним тараққиётига қандай ҳисса қўшишим мумкин?

... Шаҳрихон хўжаликлараро бўрдоқичилик базаси иқтисодий инқирозга юз тутди. У фойда ўрнига катта зарар келтира бошлагач, тарқатиб юборилди. Идора, молхона, қўйхона, паррандахоналар икки йил ҳувиллаб турди. Баъзи ноинсоф кишилар эшиклар, дераза ромларини кўчириб кетдилар. Базанинг 15 гектарга яқин ер майдони ҳам бор эди. Туман миқёсидаги катта йиғинларда база бинолари ва еридан фойдаланиш тўғрисида кўп гапириларди-ю, гап гаплигича қолиб кетарди.

Тоҳиржон банкдан 1 миллион 400 минг сўм қарз олиб, ташландиқ ётган хўжаликлараро бўрдоқичилик базаси биноларини сотиб олди ва кичик корхона очиб, унга «Шаҳрихон» деб ном қўйди. Шу кичик корхона меҳнат жамоаси қулай деб турган биноларни қайта тиклади ва таъмирлади. Қўшни Қирғизистон, Қозоғистондан 400 бош қорамол, 200 бош ҳисор қўйлари сотиб олди. Собиқ базада ишлаб кетган чорвадорларнинг аксарияти тағин ишга қайтиб келди. Энди улар ишга бутунлай бошқача муносабатда бўлдилар.

Инкубаториялардан келтирилган жўжалар бир йилда каттайиб, товуқ бўлди, улар 30 мингтага етди. Ўрта ҳисобда ҳар куни беш минг донадан тухум олиниб, аҳолига бозордаги нархга нисбатан арзонроқ сотилянпти. Ҳозир бу ерда 20 мингта товуқ бор. Дастлаб олиб келинган ғунажинлар етилиб, сигир бўлди. Бугун соғин сигирлар сони 50 бошга етди. Ҳар куни савдога 400 килограмм сут чиқариляпти.

Ботиржон Мирзаматов директорлик қилаётган кичик корхона ташкил топгандан бери Шаҳрихон, Бўз, Балиқчи туманлари хўжаликларига тирик вазнда 100 тонна гўшт сотди. Аҳолига сўйиб сотилган гўшт эса 80 тонна. Кичик корхонада ҳозир 150 бош қорамол, 200 бош қўй боқилмоқда. Чорвадор ва паррандабоқарлар мўмай иш ҳақи олишяпти.

Кичик корхонанинг 25 сотих ерда иссиқхонаси бор. Бу ерда помидор етиштирилади. Бир ярим гектар ерда боғ барпо этилди. Корхона қошида музқаймоқ тайёрлайдиган цех очилди.

Уй-жой қураётган кишилар пишиқ ғишт тополмай қийналишяпти. Бунинг устига бир дона пишиқ ғишт 20 сўм. Тоҳиржон бу қийинчиликни кўриб, кичик корхона қошида ғишт заводи қуриш ҳақида ўйлаб қолди. Бунинг учун кўп елиб-югурди ва ўз режасини амалга оширди.

Ўтган йили завод аҳолига 300 минг дона пишиқ ғишт сотди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллион дона ғишт сотилди.

Лўнда қилиб айтганда «Шаҳрихон» кичик корхонаси икки йилдаёқ давлатдан олинган 1,4 миллион сўм қарзни узди. Энди корхона ихтиёридаги барча бинолар, қорамоллар, қўйлар, паррандалар, 1,5 гектар боғ, ғишт заводи — ҳамма-ҳаммаси фойдага қолди. Кичик корхона ғазнасида дурустгина жамғарма тўпланди.

— Кичик корхона ўз маҳсулотини сотиш учун ўз дўконига эга бўлиши керак, — деди Тоҳиржон. У шаҳар бозори биқинида жойлашган эски бинони бутунлай бузиб ташлаб ,ўрнида кичик корхона ҳисобидан икки қаватли замонавий иморат қуриш учун бозор раҳбариятининг розилигини олди. Шаҳар ҳокимлиги бу таклифни қувватлади.

Ярим йилда шаҳарнинг кўркига кўрк қўшадиган чиройли бино қад кўтарди. Унинг лойиҳасини Тоҳиржоннинг ўзи яратди.

Миллий меъморчилик асосида қурилган кўркам бинонинг биринчи қаватида кичик корхонада етиштирилган маҳсулотлар, гўшт, сут, тухум, сабзавот ва бошқа нарсалар бозор нархидан арзон сотиляпти. Чунки бозордан мол сотиб олинмайди. Кичик корхона фермасида боқилаётган новвослар сўйиб сотилади. Уларнинг ўрни ёш новвосчалар билан тўлдириб турилади. Музқаймоқ цехининг маҳсулоти ҳам шу дўконда сотилади.

Бинонинг иккинчи қаватида эса тикувчилик цехи ишлаб турибди. Бу ерда 40 та тикув дастгоҳи бўлиб, уларни 50 дан ортиқ шаҳрихонлик чевар қизлар бошқаришяпти. Тикилган ҳар хил кийимлар шу дўконнинг ўзида сотилади. Тикувчилар фуқаролардан буюртмалар ҳам қабул қилишади. Буюртмалар қисқа муддатда кўнгилдагидек бажарилади. Шу сабабдан бу ерда харидор ва буюртмачилар кўп.

— Ишбилармон кўп соҳани билиши керак, — дейди Тоҳиржон. — У вақтнинг қадрига етиши, қилган иши, албатта, самара бериши керак. Биз чорвачиликдан ҳам, тикувчиликдан ҳам, музқаймоқ цехи ва ғишт заводидан ҳам фойда кўряпмиз. Фақат биз эмас, давлат ҳам фойда оляпти.

Бу йил кичик корхона меҳнат жамоаси ўзи яратган боғдан даромад ола бошлайди. Олма кўчатлари яхши мева қилди.

Тоҳиржоннинг эзгу нияти шу корхона орқали халққа кўпроқ хизмат қилишдир. Халқ «ДСП», «ДВП» қурилиш материалларига катта эҳтиёж сезаяпти. Тоҳиржон шуни ҳисобга олиб, Украина билан алоқа боғлади ва улардан «ДСП», «ДВП» тайёрлайдиган ускуналар сотиб олди. Ҳозир у раҳбарлик қилаётган кичик корхона қошида ана шундай қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган цех қуриляпти.

Тоҳиржон туманлараро улгуржи савдо базасининг директори сифатида тижорат ишлари билан шуғулланабошлади. У ўтган йилнинг кузида Москвада Бельгиянинг «Интеррик» фирмаси ишбилармонлари билан мулоқотда бўлди. Бу фирма дунёга танилган.

— Биз пахта толасига видеотехника, енгил автомашиналар алмаштиришимиз мумкин ,— дейишди фирма ишбилармонлари, — яхши си Бельгияга биратўла пахта толаси олиб боринг, ўзимиз кутиб оламиз. Фирмамиз маҳсулотларини ўз кўзингиз билан кўрасиз, нимани ёқтирсангиз, ўша нарсани йўл харажатини ортиғи билан қоплайдиган даражада арзонлаштириб берамиз.

Бу таклиф Тоҳиржонга маъқул бўлди Туман ва шаҳар ҳокимликлари билан маслаҳатлашиб, қонуний равишда ҳужжат тайёрлаб Чинобод пахта тозалаш заводидан 550 тонна пахта толаси олиб, Бельгияга борди. Уни «Интеррик» фирмаси раҳбарлари иззат-икром билан кутиб олдилар.

Тоҳиржон фирманинг иши билан чуқур танишгач, толани Бельгия гиламига алмаштирди. Чунки у Шаҳрихонда ҳам, вилоятда ҳам гиламга эҳтиёж катталигини яхши биларди. Савдо ташкилотлари ҳатто келинкуёвларга ажратилган гиламларни ҳам ўз вақтида топиб беролмаётганди.

Тоҳиржон пахта толасига алмаштирган 10 минг донадан кўпроқ ҳар хил ҳажмдаги Бельгия гиламлари ва поёндозлар Шаҳрихонга етиб келди. Тоҳиржон шахсий манфаатдан кечди. Олинадиган фойдани хайрли ишларга сарфлаш мақсади борлигини район, шаҳар ва вилоят ҳокимликларига маълум қилди. Гиламларга нарх белгиланди. Ундан 250 миллион сўм соф фойда олиниши аниқланди. Бу пул вилоят бюджетига ўтказилиб, энг зарур ишларга: 77 миллион сўми вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига дори-дармон ва жиҳозлар сотиб олиш учун, 65 милилон сўми вилоят матлубот жамиятлари уюшмасига, 20 миллион сўми Шаҳрихон стадионини таъмирлашга, 15 миллион сўми — шу тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигини газлаштиришга, 10 миллион сўми Балиқчи туманидаги 42-мактаб қурилишига, 5 миллион сўми Балиқчида дорихона қурилишига, 10 миллион сўми Бўз да Андижон дарвозаси қурилишига, 14 миллион сўми вилоят ҳокимлиги заҳирасига, 30 миллион сўми Шаҳрихон шаҳрини ободонлаштиришга бериладиган бўлди. Жами фойданинг 20 фоизи Шаҳрихон туманлараро . улгуржи савдо базаси ихтиёрига қолди.

Тоҳиржон ва унинг шогидрлари амалга ошираётган ибратли ишлар кўп. 1931 йили вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси савдо комплекси қуриш учун Шаҳрихон шаҳридан 70 сотих ер олган эди. Бу қурилиш планга киритилганди ҳам. Лекин маблағ йўқлиги учун қурилишга ажратилган ер ахлатхонага айланиб ётганди. «Шаҳрихон» кичик корхонаси бу жойни 1 миллион 65 минг сўмга сотиб олиб, савдо-ишлаб чиқариш комплекси қуришга киришди.

Уч қаватли бинонинг биринчи қавати қуриб бўлинди. Бу қаватда Шаҳрихон-Бельгия трикотаж ишлаб чиқариш фабрикаси жойлашди. Иккинчи қаватида савдо расталари, миллий таомлар тайёрлайдиган ресторан, учинчи қаватида эса 118 ўринли меҳмонхона бўлади. Бу ҳашаматли бино ҳам кичик корхона ҳисобидан қуриляпти. Кичик корхонанинг ўз қурилиш бригадаси бор. Савдо-ишлаб чиқариш комплекси 1994 йилда қурилишга киришди.

Ишбилармонлик.. Бу ҳаммаиинг қўлидан келадиган иш эмас. Унинг ўзига яраша ташвишлари, машаққатлари бор. Бу санъатни эгаллаш учун эпчиллик, тадбиркорлик, ғайрат-шижоат керак. Тоҳиржон Қобуловда ана шундай фазилатлар мужассам. У катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ўрта мактабни битиргач, савдо ҳодимига шогирд тушди. Ишдан ажралмаган ҳолда сиртдан Тошкент халқ хўжалик олийгоҳининг савдо иқтисодиёти куллиётини битирди. Оддий сотувчиликдан Шаҳрихон туман матлубот жамиятлари уюшмасининг раиси даражасига кўтарилди. Кейин туманлараро улгуржи савдо базасига директор бўлди. Бир неча йилдирки, у шу лавозимда ишлаяпти. Инсоф, диёнат, имон доирасидан четга чиқмаслик унга катта обрў келтирди. Одамлар унинг хизматларини муносиб баҳоладилар, Ўзбекистон халқ нойби қилиб сайладилар. Савдо ходимлари орасида бундай ҳурматга сазовор бўлган кишилар, афсуски, кўп эмас.

Тоҳиржон халқ нойби сифатида ҳам таҳсинга лойиқ ишлар қилди. Лекин биз унинг депутатлик ва савдосотиқ соҳасидаги ишларига тўхталмадик. Чунки бизнинг муддаомиз: унинг ишбилармонлик фаолиятини кўрсатишдир. Шаҳрихонлик ишбилармон топган-тутганини ўз тумани, ўз шаҳригагина эмас, балки бутун вилоятга тортиқ қилаётир. Унинг бу иши бошловчи ишбилармонлар учун ибрат намунасидир.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тўйчибой МАМАСОЛИЕВ, жамоатчи мухбир.

ТЎРТ ДАРҒАНИНГ БИРИ



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ НОИБИ ТОҲИРЖОН ҚОБУЛОВНИНГ ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

• Ўзбек феъли

МЕҲР ЧАШМАСИ

«Мен бу дорихона ҳақида «Труд» рўзномасида ўқиб қолдим. Дарҳол дорихона мудири Пўлат Хўжамқулов номига мактуб ёздим. Умр йўлдошим Наталья Сергеевна бир неча йилдан бери буйрак нефрити билан оғриши, дори-дармонлар кор қилмаётганини тушунтириб, иложи бўлса айнан шу дардга шифо бўладиган гиёҳлардан юборишини илтимос қилдим.

Буни қаранг, мени танимайдиган инсон бир эмас, бир неча хил доривор гиёҳлардан посилка қилиб жўнатибди ва улардан қандай фойдаланиш ҳақида батафсил ёзиб ҳам юборибди.

Ўша куни эр-хотин қувончимиз ҳеч жойга сиғмасди. Олис Ўзбекистоннинг қўриқ Жиззах вилоятига қарашли Дўстлик шаҳридаги «Яшил дорихона» мудири Пўлатжоннинг одамийлиги ҳақида қўшниларимизга айтиб, юборган гиёҳларини кўрсатдик.

Ўша кундан Пўлатжоннинг тавсияси асосида тайёрланган қайнатмадан ича бошлаган хотиним бир ҳафта ўтиб, ўзини тетик сеза бошлади ва уй ишларига аралашди. Мана ҳозир анча яхши бўлиб қолди.

Дунёда Пўлат Бобоевичга ўхшаган сахий дил, одамларни деб ёниб яшайдиган меҳри дарё кишилар борлигидан қувониб кетаман. Ғойибона уни бағримга босиб «Раҳмат, умрингиз знёда бўлсин, саховатингизга муҳтож кишилар бахтига узоқ яшанг», дегим келади.

Ҳурматли редакция, ана шу олижаноб инсонга менинг ташаккур ва миннатдорчилигимни етказиб қўйишларингизни илтимос қиламан».

Краснодар шаҳрида яшовчи уруш ва меҳнат ветерани Евгений Тенкогеновнинг «Правда Востока» газетасига йўллаган ушбу мактубида доришунос Пўлат Хўжамқуловга юзлаб, минглаб кишиларнинг дил миннатдорчилиги ўз ифодасини топган. Бундай хатлар касби оддий, хизмати олий шифокор номига кўпдан-кўп келиб туради. Наҳодка шаҳридан М. Грязнова: «Сиз юборган гиёҳлар қайнатмаси дардимга малҳам бўлди, ўнг оёғимнинг оғриғи қолди, чап оёғимда ҳам ўзгариш бор», деб ёзса, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидан Н. Бейнафасов нафас қисилиш хасталигига шифобахш гиёҳлардан юборишни илтимос қилади.

Мактублар. Улар шуқчалар кўп, адреслар рангбаранг, конвертларга назар ташлаб «Булар Пўлат аканинг шуҳратини қаёқдан билишди экан-а», деб ўйлаб қоласан, киши.

Мен Пўлат акани ташна одамларнинг чанқоғини босаётган булоққа қиёслагим келади. Йўқса Дўстлик шаҳарчаси қаёқда-ю, Норильск. Жезқозғон, Камчатка, Кузбасс, Рига, Самара шаҳарларидаги қаёқда. Одамларга бўлган меҳр-муҳаббат, эзгу йўлдаги изланиш ва яратиш, ёрдамига муҳтож кишиларга қалб дарвозасининг очиқлиги Пўлат аканинг хонадонини олис-олислардаги нотаниш кишилар тақдири билан туташтирган. Ҳар гал у ёки бу шифобахш гиёҳлардан юборишни илтимос қилиб ёзилган мактуб олганида тинчини йўқотиб, тарадудга тушади. Ўша ўт-ўланларни топиб, почта орқали жўнатгач, елкасидан оғир юк ағдарилгандек, енгил нафас олади.

Пўлат ака табиатан жонкуяр инсон. У ҳеч қачон хизматини малол кўрмайди. Аксинча, ўша илтижо билан мактуб ёзганлар ўрнига ўзини қўйиб, илтимосни тезроқ бажариш чорасини излайди.

Асли Форишнинг тоғли қишлоғида туғилиб, болаликдан шифобахш гиёҳларга бой тоғу-далаларга меҳр қўйган йигит ўрта мактабни битирган йили отасининг маслаҳати билан Тошкент давлат доришунослик институтига ҳужжат топширди. Талабалик йиллари китобларда ўқиган гиёҳларини Фориш тоғларидан излаб топиш, улардан табобатда қўллаш устида ўзича тадқиқотлар ўтказарди. Ундаги тиришқоқлик, доришунослик илмига бўлган қизиқиш устозларнинг эътиборидан четда қолмади. Шу важдан институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган Пўлатни аспирантурада олиб қолмоқчи бўлишди. «Ишончларингиз учун қуллуқ, олган билимимни бир-икки йил амалиётда қўллаб, малака ҳосил қилай, илмий иш бир гап бўлар» — деди.

70-йилларнинг бошларида янги ерларда Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл ва Октябрь туманлари ташкил топди. Янги масканларда бошқа соҳалар қатори аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган кишилар ҳам керак эди. Пўлат Хўжамқуловга Октябрь райони марказида дорихона ташкил этиш ва унга бошчилик қилиш тавсия этилди. Энди ишларни йўлга қўйиб, оиласи уйлижойли бўлганда, ҳаммасини яна қайтадан бошлаш қанчалар қийинлигини билган шифокор «мени тинч қўйинглар, бошқалар ҳам татиб кўрсин чўл ташвишларини» демади. Янги туманга бориб ишлашга рози бўлди. Икки йилда унинг ташаббуси билан 20 дан кўп дорихона иш бошлади.

Пўлат аканинг ажойиб хислатлари бор, ёшларни ёнига олиб иш ўргатади, кўзи пишиб, одамлар билан муомала маданияти, раҳбарлик салоҳиятига эга бўлганларни ё ўз ўрнига, ёки бошқа бирор жойга тавсия қилади.

Мана бир неча йилдирки, касбнинг фидойиси, изланувчан ва тиниб-тинчимас доришунос Дўстлик шаҳрида яшайди. Аввалига туман марказий дорихонасига мудир бўлиб ишлаган П. Хўжамқулов кейинги йилларда шарқ табобати, айниқса шифобахш ўсимликлар дунёси билан қизиқиб, нафақат Жиззах, балки бошқа вилоятларнинг шифобахш гиёҳлар ўсадиган жойларига бориб унда кимёсиз, яъни табиий ўсимликлар билан шуғулланадиган дорихона ташкил қилиш истаги туғилди.

Пўлат аканинг бу ташаббуси маъқулланиб Дўстлик шаҳрида «Яшил дорихона» ташкил топди. Аввалига қўшни Сирдарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларига шуҳрати ёйилган дорихона соҳибини йўқлаб, яқин-олисдан дардига шифо излаганлар келишган бўлса, кейинчалик у кишининг номига Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва бошқа давлатлардан мактублар кела бошлади.

— Менда диёримизда ўсадиган шифобахш гиёҳлар билан савдо қиладиган дорихона ташкил этиш ғояси туғилганда, кичик бир шаҳарчадаги дорихона шуҳрати шунчалик тарқалади. одамларга шунчалар асқотаман, деб ўйламагандим, — дейди Пўлат ака. — Энди улар сўраган гиёҳларни топиб жўнатиш, қайси дардга шифолигини тушунтиришдан ташқари қандай қилиб тайёрлаш, қай йўсинда истеъмол қилиш ҳақида ҳам маслаҳатлар бериш керак.

Пўлат ака айтмоқчи, бу ишлар бир кишининг қўлидан келмайди. Умр йўлдоши Хурсаной Бобоева, қизи Гулчеҳрахонлар ана шу ташвишларда П. Хўжамқуловга кўмакдош.

Узоқ йиллик меҳнатлари «Ҳурмат белгиси» ордени ва Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган доришунос учун ҳузурига нажот излаб келаётган, узоқ-яқиндан мактуб йўллаб, миннатдорчилик билдираётган кишиларнинг дил сўзлари энг юксак мукофотдир.

Турдибой СОИНАЗАРОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

янгиликлар Воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ГЕНЕРАЛ ЯНГИ ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАНДИ

● АҚШ Президенти Билл Клинтон чоршанба куни АҚШ қуролли кучлари штаб бошлиқлари қўмитасининг раислигига 57 ёшли генерал Жон Шаликашвилини тайинлаши ҳақидаги ўз қарорини айтди.

Жон Шаликашвили ҳозирги пайтда Европадаги НАТО бирлашган ҳарбий кучлари олий қўмондони ҳисобланади.

СУД ҲУКМ ЧИҚАРДИ

● Қўҳира суди 16 қаватли бино эгаси Али Муҳаммад Камолни 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ўтган йил октябрь ойида бўлиб ўтган ер қимирлаши натижасида ушбу бино қулаб, 68 киши унинг остида ҳалок бўлганди. Суд раисининг айтишича, октябрда бўлиб ўтган ер қимирлаши «уй-жой муаммоси орқали мақсади бойлик орттириш бўлган виждонсиз кишилар» борлигини кўрсатди. 16 қаватли бино эгасидан ташқари унинг хотини, шериги ва иккита меъмор ҳам бир неча йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

ХАЛҚАРО ЛИНИЯ ОЧИЛДИ

● РОССИЯ ва Бразилия ҳукуматлари тузган шартномага кўра ҳар икки мамлакат ўртасида мунтазам қатновчи авиарейс йўлга қўйилди.

Жума куни Аэрофлотнинг ИЛ-62М самолёти Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги «Галлан» халқаро аэропортига келиб қўнди.

МИЛЛИАРДЕРЛАР МАМЛАКАТИ

● Югославия Гиннес китобига киритилса арзгулик яна бир рекорд қўйди. Ҳозир жаҳонда энг кўп... миллиардерлар бу ерда яшашяпти десак, хато қилмаган бўламиз. Бинобарин, мамлакатда миллий валютанинг ўта қадрсизланиши туфайли аҳолининг барча қатламлари миллиард сўмлик пул бирлигига эга бўлмоқдалар.

Агар июлда ўртача ойлик иш ҳақи 300—400 миллион динор (Югославия пул бирлиги) бўлган бўлса, август ойидан бошлаб аҳолининг энг кам таъминланган табақалари қарийб 4 миллиард сўмдан маош олишяпти. Ҳукумат оборотдаги қоғоз пули танқислигини бартараф этиш учун 500 миллион сўмлик янги қоғоз пули чиқаришга мажбур бўлди.

Энди ҳисоблаб кўраверинг: бир қути сигаретни 50 миллион бир жуфт пойабзални бир миллиард сўмга, энг арзон автомобилни триллион сўмга харид қилиш мумкин.

ТАРКИ ОДАТ-АМРИ МАҲОЛ

● Австралияда ичкилик ва гиёҳвандликка ружу қўйиш кучайиб бормоқда.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайёрланган маълумотларда ёзилишича, бундай ёмон иллатлар жамиятнинг энг жиддий муаммолари ҳисобланган ишсизлик ва СПИД касаллигидан кейин учинчи туради. Хуллас, тарки одат-амри маҳол экан-да.

ДЕПУТАТЛАР ПАРТИЯ ТУЗИШДИ

● Чехия парламентидаги бир гуруҳ депутат-коммунистлар янги сўл блок партиясини тузишни ёқлаб чиқдилар.

Сўл блок — парламентдаги коалиция бўлиб, ўтган йили чех коммунистлари билан бир қаторда сўл йўналишдаги ҳаракат ва ташкилотларни ўзида бирлаштирган, сайловчиларнинг 14 фонзи уларнинг номзодларига овоз беришганди.

ҚОБУЛДА ҲАММА ЁҚ ТИНЧМИ?

● Афғонистон пойтахти Қобулни ўтган куни бир гуруҳ мужоҳидлар яна ракетадан ўққа тутишди. Натижада ўн киши ҳалок бўлди, 12 нафар киши қаттиқ яраланди.

Бу ҳақда Исломободдаги маҳаллий матбуот агентликлари хабар қилишди. Уларнинг Қобул радиосининг хабарига асосланиб айтишларича, мамлакат пойтахтининг жанубий-шарқий қисмига 22 та ракета снарядлари келиб тушган.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

● Канада ҳукумати 15 йилдан кейин биринчи марта Кубага инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга аҳд қилди.

Маълумки, 1978 йили Канада Кубага икки томонлама давлат дастури доирасида ҳар қандай кўмак беришни тўхтатиб қўйганди.

Саудэм Ньюс газеталар концерни янгиликлар хизматининг хабар беришича, мамлакатдаги халқаро кўмаклашув ташкилоти Кубага умумий баҳоси бир миллион долларлик озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш режасини ишлаб чиқди.

ЭРОН БАЁНОТНОМАСИ

● Эрон ташқи ишлар вазирлиги Арманистондан «Озарбайжондаги эгаллаб олинган ҳудудлардан арман қўшинларининг тез орада ва сўзсиз олиб чиқиб кетилишини» талаб қилди.

Франс-пресс агентлигининг хабар қилишича, Эрон ташқи ишлар вазирлигининг бу ҳақдаги баёнотномаси миллий радио ва телевидение орқали эълон қилинган. Ҳужжатда «арман ҳарбий кучларининг Эрон чегарасига яқин Озарбайжоннинг Фузулий районидаги тажовузкорона ҳаракати» кескин қораланган. Бундай шароитда Эрон «четда туриши» мумкин эмаслиги таъкидланган.

ҚОНУН ОЛДИДА ҲАММА БАРОБАР

● Бразилия пойтахтининг округ суди мамлакатнинг собиқ президенти Фернандо Коллор ва собиқ ташқи ишлар вазири Роберту Ди Абреу Содрени давлат маблағларини асоссиз равишда совурганликда айблаб, жавобгар деб топди.

Улар давлат ғазнасига 156 минг долларни қайтаришлари шарт қилиб қўйилди. Демократик давлатларда қонун олдида ҳамма баробарлигига бу — бир мисол.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар Воқеалар хабарлар

• ЯНГИ КИТОБЛАР

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ

Таниқли ҳуқуқшунос Мамлакат Собировна Восиқованинг қаламига мансуб «Ўзбекистон Конституцияси билан хотин-қизларга берилган меҳнат ҳуқуқи ва уни амалга ошириш кафолатлари» деб номланган китоби «Адолат» нашриёти томонидан чоп этилди. Ҳали бўёғининг ҳиди кетмаган бу китоб ўқувчини аёлларимиз ҳақ-ҳуқуқи ва тақдирига бефарқ бўлмасликка чорлайди.

Халқимизда бир нақл бор: «Аёл хор бўлган оила тезда ҳалокатга учрайди». у бахтли бўлган оила эса, доим гуллаб-яшнайди». Қиёсий оладиган бўлсак, аёли адолатсизликларга, хорликларга ёки... бахтга дучор этилган давлатнинг ҳам аҳволига баҳо шудир. Дунёни она тебратади. Она эса, аввало аёлдир.

Очиғи, йиллар давомида жамиятимиз узра ҳукм сурган адолатсизлик, мутеълик, ўзгаларга тобелик, сўз билан ҳаракат бирлигидаги номуносиблик, бизни аёл қалбини тушунишдан, уларни қадрлашдан бирмунча йироқлаштириб қўйди.

Биз қайсидир маънода аёлларнинг бош ваколатлари — оналик туйғусини кейинги ўринга кўчириб қўйдик. Айримларнинг қўлига чўкич бериб тош, кетмон бериб, ер кавлатдик. Коржома кийдириб, дориланган далаларда трактор ҳайдаттирдик. Адолатсизликлардан аёлларимиз қалби туғён кўтарди. Биз эса уларни тушунишга кўпам интилмадик.

Бежизга шариат ҳам аёлнинг мавқеи, иззатли ва покизалигини ҳимоя қилмаган. Қуръони Каримда кимки аёлга тажовуз қилмоқчи ва унинг шаънига доғ туширмоқчи бўлса, унга қатиқ чоралар кўриш буюрилган. Пайғамбаримиз: «Мен сизларга икки одам ҳақ-ҳуқуқини қаттиқ ҳимоя қилишни буюраман, улар аёл ва етимлардир», — деганлар ахир!

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳуқуқий ўзбекона одил ва савоб иш содир бўлди: Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Бу аввало аёлларга қилинган катта эътибордир.

М. Восиқованинг китобида мустақил дазлатимизнинг, ҳуқуқ устунлигини таъминлаш орқали, ҳуқуқий давлат қуришга эришиш йўлида яратувчилик қудрати чексиз бўлган ана шу аёлларимизнинг мавжуд ҳуқуқлари, кафолатлари, янада уларга эътиборли ва адолатли бўлиш учун келтирилган қимматли таклифлари ўрин олган. Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси, амалдаги Меҳнат, Никоҳ ва Оила, Фуқаролик, Жиноят ҳақидаги ва бошқа қонунлар ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларидан ўрин олган, хотин-қизларга нисбатан давлат ғамхўрлигини амалга ошириш нормалари мужассамлаштирилган.

Муаллиф аёлларимизнинг турмуш поғоналарида қонуний кафолатланган даволаниш, меҳнат қилиш, ҳақ ва дам олиш ҳуқуқларини, бу борада қонунларимиз назарда тутган имтиёзларни чегириб олиб, уларни тушунтиришдан ташқари, моҳият ва мазмунига ҳуқуқий баҳо берган «Аёлларимизнинг оилавий муносабатларидаги ҳуқуқий меъёрлар»ини моҳирона қаламга олиб, уларнинг ижтимоий фаолиятларида фаол қатнашиш учун қонуний қулай шароитлар яратиш борасидаги вазифаларга жиддий эътибор қаратган. «Аёллар халқ хўжалигининг қайси тармоғида ишламасин унга берилган буюк ҳуқуқ — она бўлиш болаларни тарбиялаш ҳуқуқини ҳеч қачон йўқотмайдилар»—деб ёзади М. Восиқова. Китобда аёллик, оналик бурчларини фидокорона меҳнатлари билан бажо келтиришлари, жасорат, деб, тўғри баҳо берилади.

М. С. Восиқова ҳам аёл, ҳам мутахассис-ҳуқуқшунос олима сифатида замонамиз аёлларининг эркаклар билан тенглиги, билим олиш, касб-ҳунар танлаш, ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолиятидаги иштироки, берилиши ва белгиланиши лозим бўлган имкониятлар, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимояси, моддий ва маънавий қувватланиши, ҳомиладорлик, эмизикли даврдаги қонуний кафолатлар ҳақида ҳаммага тушунарли фикрлар баён этган.

Китобдан, аёлга давлатимизнинг ўз қонунлари орқали ғамхўрлигини амалга ошириш билан бирга, ҳаракатдаги қонунларни такомиллаштириш, ривожлантириш, аёл ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириш, улардан тўла фойдаланиш учун ҳуқуқий таъминланишга эришиш ҳақида кенг фикрлар, мулоҳазалар жой олган.

Президентимиз И. А. Каримовнинг: «Агар қарз тўғрисида гап кетса, аввалом бор ҳаммамизнинг аёлларимиз, оналаримиз, опаларимиз, сингилларимиз, қизларимиз олдида бўлган қарзимиз тўғрисида сўзлашимиз керак», деган сўзларига ҳамоҳанглик касб этган ушбу китоб, ўйлайманки, нафақат ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг амалиёт ходимлари ёки ҳуқуқ илмий жамоатчилиги, балки ҳар бир раҳбар, ҳодим, фуқаро учун, ҳуқуқий умумтаълим орқали, ҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий жамоатчилигини шакллантиришда ғоят фойдалидир.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
ҳуқуқшунос, ёзувчи.



Кичкинтойнинг ширин бир табассуми бир онлага чексиз қувончу туганмас бахт ато этади. Шундай қувонч болалар боғчасидаги ҳамма жажжи ўғил қизларнинг юзидан балқиб турса-чи... Бутун оламга бахт нурлари ёғилади, деяверинг. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек район халқ таълими бўлимига қарашли 426-болалар боғчаси ана шундай масканлардан бири. Бу ерда тарбияланаётган болалар ўзларининг меҳрибон тарбиячилари кўмагида шодон униб-ўсмоқдалар. Қизиқарли машғулотларда қатнашишмоқда.

Боғчадаги ишларнинг кўнгилдагидек боришида унга айни пайтда ҳомийлик қилаётган «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ҳам алоҳида ўрни бор. Кичкинтойларга ҳомийлар ҳар томонлама ёрдам беришга сидқидилдан ҳаракат қилмоқдалар.

Яқинда улар совға қилган янги ойна-жаҳон билан видеомагнитафон болакайларнинг қувончига чексиз қувонч қўшди. Бу билан машғулотларнинг янада қизиқарли ва ўзига хос ўтказилишига кенг йўл очилди. Бугина эмас, ҳомийлар яқин кунлар ичида боғча биносини таъмирлашда ҳам ҳиммат кўрсатишмоқчи. Уларнинг кўмаги билан мавжуд мебель жиҳозлари тўла янгиланади.

Суратда: боғча тарбиячиси Нафиса Қодирова кичкинтойлар билан совға олинган хонада навбатдаги машғулотни ўтказмоқда.

В. КРИЛЛОВ олган сурат.

СПОРТ

МОЗИЙНИ ЭСЛАТГАН ЛАҲЗА

ШАХМАТ ОЛАМИДА

Юртимиз истиқлолини биринчи бўлиб тан олган Туркия Республикасининг Президенти, минг афсуски, эндиликда дорилбақога йўл тутган жаноби олийлари Турғут Ўзолнинг Ўзбекистонимизга қилган сафари ҳамманинг дилида ўчмас ҳис-туйғулар қолдирди. Менда ана шу уч кунлик сафарнинг атиги бир лаҳзасига эътиборни жалб қилиш нияти туғилиб, қолди, бу нарса бизни мозий томон етаклаши муқаррар.

Сафарнинг учинчи куни эди, шекилли, азиз меҳмонлар дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири ва, айниқса, мусулмон оламида довруғ таратган Бухорои шарифни зиёрат қилдилар. Бухоро амирининг ёзги қароргоҳини қўздан кечирар эканлар меҳмонлар ногоҳ шатранж тахтаси ёнида бир зум тўхтаб қолдилар. Уларга ҳамроҳлик қилаётган юртбошимиз изоҳ бераркан, шахсан амирга тегишли бу шатранж тахтаси жуда қадимий ва эъзозли бўлиб, сирти садаф билан қопланганини айтганда Турғут Ўзол сатранжни (шатранжни улар шундай талаффуз қиладилар) бизда Туркияда ҳам жуда қадрлашадилар, деб қўйди. Мўъжазгина бу шахмат тахтаси икки мамлакат сардорлари фикрини жалб қилган экан, қадриятларимиз илдизининг минг бир томиридан биттаси хусусида баъзи маълумотларни келтириб, уларни имконимиз даражасида шарҳлашни жоиз деб топдик.

XI-XII асрларда яшаб ижод этган олим ва кучли шатранж назариётчиси ҳамда амалиётчиси Ўрта Осиёлик Абдуфатх, Аҳмад Сижзий қаламига мансуб рисола Ўрта аср шарқида бунёд этилган жамики шатранж рисолаларининг аълоси деб топилди. Ҳозирча унинг учтагина нусхаси маълум бўлиб, учаласи ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг Беруний номидаги шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда. Энг диққатга сазовор жойи шундаки уларнинг энг чиройли, энг мукаммал нусхаси XVII асрда Бухорода кўчирилган бўлиб, бу нодир қўлёзманинг дастлабки йирик тадқиқотчилари ҳам бухороликлардир. Серқирра ижодкор профессор Абдурауф Фитратнинг «Шарқда шахмат» мақоласига асос бўлган энг муҳим манба ўша пайтда Бухоро кутубхонасида сақланаётган Абулфатҳ қўлёзмаси бўлган. «Аланга» журналининг 1928 йилги 3-қўшма сонида босилган бу мақола мухтасар маълумоту фикр-мулоҳазалардан иборатдир. Уни атрофлича ўрганиб, дунёга танитган яна бир тадқиқотчи Зокир Ҳўжаев ҳам асли бухоролик. Бу киши узоқ йиллар давомида юртимиз шахмати ривожига катта ҳисса қўшган жамоатчи ва амалиётчи вакилларимиздан бўлиб, яқинда 84 ёшида вафот этди.

Абулфатҳ рисоласини ўрганиш борасида камина ҳам, чорак асрдирки, баҳоли қудрат ўриниб келмоқдаман.

Хўш, Абулфатҳ рисоласининг Британия музейида сақланаётган ва инглиз тарихчиси Г. Мерелнинг 1913 йилда чоп этилган «Шахмат тарихи» китобига асослик хизматини ўтаган 29 та ўрта аср шатранж қўлёзмаларидан устунлик томонлари нимада экан?

Дари тилида битилган 159 саҳифадан иборат бу рисоланинг деярли ҳамма жойида шатранжга нисбатан «адаб» «илм», «санъат» сингари сўзлар қўлланади. Бунинг учун эса асос — фатво керак эди, албатта. Муқаддимада муаллиф кўп мамлакатларда, чунончи Ҳиндистон, Ироқда Маҳмуд Ғазнавий асос солган турк салтанати пойтахтида бўлгани, аммо ўзига тенг ҳамфикр топмаганини баён қилади. Подшоҳ саройларидаю бозорларда шатранж ўйналишини алоҳида таъкидлайди. Шу ернинг ўзида шатранж ҳақида асар ёзган муаллифлар орасида Абурайҳон Беруунийнинг номи ҳам зикр этилганлиги ўта муҳим маълумотдир. Шатранж ўйини стратегияси ва тактикасига бағишланган саҳифалар ўзига хос диаграмма—шахмат вазиятларига тўла. Улар одатдагича ўзига хос алифбе тарзида изоҳланади. Абдулфатх салафлари бўлмиш шатранж олиялари — гроссмейстерлари Наим, Рабаб, Адлий, Ас-Сулий қўлёзмаларидан фойдаланиш билан бирга улардаги камчилик, хато, ноаниқликларни танқид қилади ва бошқа талайгина ўзига хос материалларни киритади. Минг йил олдин қилинган шу таҳлилларни кўрган ҳозирги замоннинг етук шахматчилари ҳам лол қолиши аниқ.

Хуллас, минг йиллар давомида буюк алломалар наздидан тушмай келаётган изчил мантиқий тафаккур қилиш санъатини киши онгида мўъжизавий машғулот, чинакам мужассамлаштирувчи восита — халқ ўйинини ҳар қанча тарғиб ташвиқ қилсак арзийди. Бунинг учун бу борадаги ишларимизни тубдан яхшилашимиз, тегишли шарт-шароитлар яратишимиз лозим.

Олдимизда мустақил мамлакатимизнинг ўз мафкурасини ишлаб чиқишдек ўта муҳим вазифа турган экан, унда шахмат санъати ватанларидан бири саналувчи Ўзбекистонимизнинг бу борадаги йўналишлари ҳам ўз аксини топиши керак, албатта.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг вице-президенти, тарих фанлари номзоди.

ТОШКЕНТДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Бугун Мустақил юртимиз пойтахтида йирик халқаро футбол учрашуви ўтказилади.

Мамлакатимиз футболсеварлар юрти. Тошкентда халқаро футбол учрашуви бўлармиш, деган гаплар тарқалганидан бери минглаб ишқибозлар ҳаяжонланиб юришибди. Ниҳоят орзиқиб кутилган кун ҳам келди. Бугун «Пахтакор» марказий ўйингоҳи ҳар қачонгидан кўра гавжумлашиб, муҳлисларнинг ҳайқириқлари янграйди. Бу учрашувга байрамона ҳозирлик кўрилди. Ташкилий ва тадбирий ишлар амалга оширилди. Ҳусусан ўйингоҳнинг атрофи ободонлаштирилиб, саранжом-саришта қилинди. Электротабло эса она тилимиздаги ёзувлар билан порлайдиган бўлиб турибди. Тўртала минора ёғду-чироқлари ҳам созлаб қўйилди. Муҳлисларнинг мириқиб дам олишлари учун шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Мамлакатимизда спортнинг оммавий ва севимли турларидан ҳисобланган футболни ривожлантиришга катта аҳамият берилаётир. Голландиянинг машҳур «Витес» клубини таклиф қилиб, халқаро учрашувни ташкил қилиниши ҳам футболга эътибор тимсолидир.

Юртбошимиз И. А. Каримовнинг Голландияга қилган сафарлари мазкур мамлакат билан иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мухлисларга қувонч бахш улашиб халқаро учрашувнинг ўтказилаётгани ҳам ана шу муборак сафардан нишонадир.

«Витес» Голландия чемпионатида ҳаммага маълум «Аякс», «Фейенорд» ҳамда «Эйндховен» клубларидан кейин тўртинчи ўринни эгаллаб турган жамоа ҳисобланади. «Витес» 1953 йилга қадар мамлакат биринчилигининг шарқий дивизионида қатнашган. Денгиз бўйидаги Арнем шаҳрининг бу футбол клуби 1892 йил йил таркиб топган бўлиб, 1954 йилдан бошлаб профессионал клубга айланган. Витесчилар бир неча бор чемпион бўлишган. УЕФА кубоги учун курашнинг чорак финал баҳсларида қатнашган. Клубнинг саккиз ўйинчиси мамлакат терма жамоасининг аъзоси ҳисобланади. «Витес» «Маннинкенхьюце» ўйингоҳида ўйнаб, маҳорат ошириб келмоқда.

Витесчилар устози Херберт Ньюман бўлиб, ўз вақтида «Кёлн, «Иднес», «Болония» ва «Олимпия» клубларига ҳам бошчилик қилган. Бугун бўладиган учрашувга «Витес»нинг қуйидаги тартибда ташриф буюриши кутилмоқда. Дарвозабонлар — Реймонд Ван Дер Гов, Абе Кнуп, ярим ҳимоячилар — Тео Бос, Филипп Коку, Рене Эжер, ҳимоячилар Эдвард Стуринг, Арьян Вермелен, Бен Ирога, ҳужумчилар — Ганс Гильхаус, Берт Латугеру, Хуб Лоффен, Эрвин Ван Дер Лу, Глен Хелдур ва бошқалар.









Бугун Голландиялик футболчилар «Пахтакор» жамоаси билан майдонга тушадилар. 19 август куни эса мухлислар Республика миллий терма жамоаси билан «Витес» футболчилари ўртасидаги учрашувни томоша қилишга мушарраф бўладилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

СУРАТЛАРДА: «Витес» футболчилари.

КЕНГУЗАР ОРОМГОҲИ

⊙ Яккабоғ туманидаги Кенгузар қишлоғидаги оналар ва болалар санаторийси 12 гектарли боғ-роғда жойлашган. Оромгоҳда бир йўла 120—130 нафар ўғил-қиз даволаниб, ҳордиқ чиқаряпти. Ҳавоси тоза. Медицина асбоб-ускуналари етарли. Мутахассислар хизматидан дам олувчилар манун.

Саломатлик маскани асосан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси йўлланмаси билан келган ревматизм ва танзилит касаллиги билан оғриган беморларни даволайди. У ишга тушгандан бери минглаб болалар шифо топди.

— Санаторий аслида лойиҳа бўйича бир йўла 250 нафар она ва болани қабул қилиши керак, — дейди оромгоҳ бош шифокори Эгамберди Хўжақулов. — Бироқ, жой етишмаслиги оқибатида оналарни қабул қилолмаяпмиз. Ётоқхона ва даволаш корпуслари битиш арафасида. Ана шу бинолар ишга тушса, оналарни ҳам қабул қиламиз. Қолган ишларни бу ерда қурилишни амалга ошираётган 536-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари ниҳоясига етказади, деган умиддамиз.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ — СОТУВДА

Ўзбекистондаги ягона иқтисодий журнал — «Иқтисод ва ҳисобот» нинг навбатдаги — 7-сони сотувга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашли ушбу журналнинг дастлабки саҳифасида жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримовнинг республика Олий Кенгаши 12-сессиясида сўзлаган нутқи босилган.

Бугунги кунда иқтисодий фан, иқтисодий амалиёт ҳақида катта мунозаралар бўлмоқда. Ана шундай илмий изланишлардан бири сифатида журналда Тошкент молия институтининг проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Ўлмасовнинг «Иқтисодий назария қандай фан?» номли мақоласи берилган.

Журнал бугунги кунда энг ўқишли нашрлардан бирига айланмоқда. Бунинг сабаби ундаги мундарижанинг рангбаранглигидир. «Марксниг хатоси фожиамизми?», «Ижарачилик аҳамияти», «Амир Темур салтанатида қонунчилик», «Швейцарияликларга ҳавас қилса бўлади» каби ўнлаб мақолалар ўқувчи фикр дунёсини кенгайтиради.

Маълумки, молия соҳаси энг мураккаб соҳалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу тизим бўйича одатда мақолалар кам ёзилади. Журнал мухбири Васида Мадимарованинг иқтисод фанлари доктори, профессор Одил Олимжонов билан қилган суҳбати «Молиявий барқарорлик» деб номланиб, ана шу мавзуни очишга бағишланган.

Бугунги кунда воқелигимиз кун сайин иқтисодий ислоҳот сари юз тутмоқда. Шу боисдан ҳам бу муҳим масалага ҳар бир киши кизиқиши табиий. Агар «Харидор талабига мослашиш» мақоласи ишбилармонлар учун яхши йўриқ берса, ««Бир тийин»нинг қадрига қачон етамиз?» мақоласи харидорларни баҳсга чақиради.

Журналда, жумладан, солиқлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилган.

Маҳкам Маҳмудов энг сермаҳсул қалам соҳибларидан ҳисобланади. Унинг Тошкент давлат шарқшунослик институтининг олими Йўлдош Аълохон билан биргаликда ёзилган«Темур замонидаги шарқий халифалик ерлари» мақоласи ўзимизнинг узоқ тарихимиз ҳақидадир.

Журнал ўз саҳифаларидан адабиёт учун ҳам жой ажратган. Сиз, азиз муштарийлар бу сонда шоира Замира Ўзиеванинг дилбар шеърлари билан танишишингиз мумкин.

Шунингдек, ойномада турли-туман ахборотлар, фойдали маслаҳат ва хандалар билан танишасиз.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

1993 ЙИЛ
13 АВГУСТДАН
22 АВГУСТГАЧА

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»

РЕСПУБЛИКА САВДО КЎРГАЗМА МАРКАЗИ

5-павильонда (собиқ ВДНХ)

Эрон Ислом Жумҳурияти

40 етакчи фирмаларнинг 1-Тошкент савдо-саноат

КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Иш соатлари: — 10.00 дан то 18.00 гача,

Манзилимиз: Амир Темур кўчаси 107-уй.

«СИНГЕР»

«АҚАТЕКС» ТЕКСТИЛСАНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗГА ДУНЕГА МАШҲУР БЎЛГАН ТИКУВ ВА ТЎҚУВ МАШИНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Тўқув машинаси СИНГЕР КМ 610.
Тикув машинаси СИНГЕР СУПЕР У ОҚНАЗ.
Тикув машинаси СИНГЕР ФЕЛИЧИТА.
Оверлок 3 ва 5 ИПЛИ.
СИЗДА БИЗ БИЛАН ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР БЎЛМАЙДИ!

ИШГА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Муҳандис—технолог.
Модельер.
Юқори классификацияли тикувчи ва тўқувчилар.
Ўзбек ва инглиз тилларида мулоқот қиладиган котиба.


БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: 68-84-80, 68-24-18.
ФАКС: (3712) 68-86-39.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 1-кечки ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Икром Ҳамдамович МИРЗАЕВ номига борилган А № 503772 рақамли Аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ жамоаси, марказ қошидаги қон қуйиш бўлими бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Х. И. Ирматовга укаси Ҳабибулла ИРМАТОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси, институт катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Малоҳат Абдураҳмоновага опаси Марҳаматхон АБДУРАҲМОНАВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16
Жиноятчиликка қарши кураш— 33-76-04, 32-26-70, 32-53-15.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Нукусда — 2-42-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.

Навбатчи муҳаррир И. СУЛАЙМОНОВ. Навбатчи: Ҳ. ЭРМАТОВ.

● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 2 босма табоқ, тиражи 155296 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.20.
Г—479. № 151.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6